

Рус тилидан ўзбек тилига таржима қилинди

ЭМБЛЕМА

**«SFAI-Buxgalter-Audit Tashkent» МЧЖ АУДИТОРЛИК
ТАШКИЛОТИ**

**«Карбонат» АЖ фаолияти бўйича
мустақил аудиторнинг 2019 йил учун
молиявий ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси**

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛАРНИНГ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Карбонат» АЖ акциядорлари ва раҳбариятига

Кўшимча шарҳли фикр-мулоҳаза

Биз «Карбонат» АЖ (кейинчалик «Жамият») молиявий ҳисоботининг аудитини ўтказдик ва у 2019 йил 31 декабр ҳолатига «Баланс» 1-сонли шакл, «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» 2-сонли шакл, «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» 4-сонли шакл, кўрсатиб ўтилган санага келиб яқунланган йил учун «Ўз капитали тўғрисида ҳисобот» 5-сонли шакл, шунингдек молиявий ҳисоботга тушунтириш хати, шу жумладан ҳисобга олиш сиёсатига оид асосий қоидаларнинг қисқача обзоридан таркиб топган.

Бизнинг фикримизча, хулосамизнинг «Кўшимча шарҳли фикр-мулоҳазаларни билдириш учун асос» бўлимида келтирилган масаланинг эътиборини истисно этганда, илова қилинаётган молиявий ҳисобот 2019 йил 31 декабр ҳолатига барча муҳим жиҳатларда «Жамият»нинг молиявий ҳолатини (ёки молиявий ҳолати борасида), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС)га мувофиқ кўрсатиб ўтилган санада яқунланган йил учун унинг молиявий натижалари (ёки молиявий натижалари ҳақида) ва пул маблағларининг ҳаракатини (ёки ҳаракатланишини) ҳаққоний акс эттиради (ёки тўғри ва ҳаққоний тасаввурни беради).

Кўшимча шарҳли фикр-мулоҳазаларни билдириш учун асос

«Жамият» томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сонли Қарорига 10-сонли Илова билан кўзда тутилган ставка бўйича Арра, молоз ва шағал тошлар учун бир тоннага 4000 сўмдан ёки 1 983 253 520 сўм миқдорида ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисобланган. «Жамият»га Кўтарма кони ҳудудида цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган оҳактош хом-ашёси кавлаб олиш учун 16.07.2018 йилда 25 йил муддатга CZ № 0001-F5-сонли лицензия берилган. ПҚ-4086/10га мувофиқ цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган оҳактош учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ 01.01.2019 йилдан 30.06.2019 йилгача - бир тонна учун 4 000 сўм миқдорида; 01.07.2019 йилда 31.12.2019 йилгача - бир тонна учун 45 000 сўм миқдорида белгиланган.

Жиззах вилояти ДСБ ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича умуман олганда 2019 йилда қазиб олинган бир тонна учун 45 000 сўм ставкаси бўйича 12 353 746 480 сўм миқдорида 27.05.2020 йилдаги 18-01938-сонли хабарномани келтирди.

Тақдим этилган ҳужжатларга кўра, цемент хом-ашёсини олиш учун майдалаш ускуналари «Форишцемент» МЧЖга жорий ижарага берилган. Шу сабабли цемент хом-ашёсини ишлаб чиқариш учун техник имкониятлар мавжуд бўлмаган.

Аудиторга куйидагилар тақдим этилди:

- «Жамият» мансабдор шахсларининг тушунтиришлари;
- «Форишцемент» МЧЖга молоз оҳактошини юклаб тушириш учун ҳужжатлар;
- «Форишцемент» МЧЖдан цемент ишлаб чиқарувчилари бўлмаган ташкилотларга турли фракцияли майдаланган оҳактошни юклаб тушириш учун ҳужжатлар;
- «Форишцемент» МЧЖда ўтказилган инвентаризация ҳужжатлари.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар 2019 йилда қазиб олинган ҳажмлардан цемент хом-ашёси юклаб туширилганини тасдиқламайди.

Шундай қилиб, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўғри қўллаш учун қонунчилик органидан 2019 йилга татбиқ этиладиган ва тегишинча «Жамият»нинг 2019 йилга молиявий ҳисоботида нисбатан татбиқ этиладиган кўшимча тушунтиришлар керак бўлади.

Фикр-мулоҳазани билдириш учун асос

Биз Халқаро аудит стандартлари (ХАС)га мувофиқ аудитни ўтказдик. Ушбу стандартларга мувофиқ бизнинг мажбуриятларимиз ҳулосамизнинг кейинги «Молиявий ҳисобот аудитини учун аудиторнинг масъулияти» бўлимида келтирилган.

Эркинлик

Биз Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ-одоб стандартлари кенгаши (БХАОДК Кодекси)нинг Касбий бухгалтерлар ахлоқ-одоб кодексига ва Ўзбекистонда бизнинг молиявий ҳисобот аудитига нисбатан қўлланиладиган ахлоқ-одобга оид талабларга мувофиқ Жамиятга нисбатан эркинмиз, ҳамда биз томондан ушбу талаблар ва БХАОДК кодексига мувофиқ бошқа одоб-ахлоқ мажбуриятларига амал қилинган. Биз томондан олинган аудиторлик далил-исботлари бизнинг қўшимча шарҳли фикр-мулоҳазаларимизни билдиришга асос бўлиб хизмат қилиши учун етарли ва тегишли ҳисобланади деган фикрдамиз.

Аудитнинг асосий масалалари

Аудитнинг асосий масалалари - бу бизнинг касбий мулоҳазамизга кўра жорий давр учун молиявий ҳисобот аудитимиз учун энг муҳим ҳисобланган масалалардир. Ушбу масалалар умуман олганда молиявий ҳисобот аудитимизнинг контекстида ҳамда ушбу ҳисобот ҳақида бизнинг фикримизни шакллантиришда кўриб чиқилди, ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида мулоҳазаларни билдирмаймиз.

Хабар қилиниши лозим бўлган аудитнинг асосий масалалари борасидаги ахборотлар мавжуд эмас. Ҳисобот даврида муҳим бўлган барча масалалар молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида етарлича чуқур очиб берилган.

Раҳбарият ва корпоратив бошқарув ҳамда молиявий ҳисобот учун жавоб берувчи шахсларнинг жавобгарлиги

Раҳбарият кўрсатиб ўтилган молиявий ҳисоботни ЎзР БҲМСга мувофиқ тайёрланиши ва ҳаққоний ифодаланиши учун ҳамда раҳбарият ноҳалол ҳаракатлар ёки хатолар оқибатидаги жиддий нотўғри кўрсатишлар мавжуд бўлмаган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун зарурий ҳисоблайдиган ички назорат тизими учун жавобгар бўлади.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият Жамият томонидан ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш имкониятини баҳолаш, тегишли ҳолларда фаолиятнинг узлуксизлигига боғлиқ маълумотлар ошкор этилиши ҳамда фаолиятнинг узлуксизлиги тўғрисидаги йўл қўйишлар асосида ҳисоботни тузиш учун жавобгар бўлади, раҳбарият Жамиятни тугатиш, унинг фаолиятини тўхтатиш ниятида бўлган ёки унда фаолиятни тугатиш ёки тўхтатишдан ташқари бирорта бошқа реал альтернатива мавжуд бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

Корпоратив бошқарув учун жавобгар шахслар Жамият молиявий ҳисоботини тайёрлаш устидан назорат учун жавоб берадилар.

Аудиторнинг молиявий ҳисобот аудити учун жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботда ноҳалол ҳаракатлар ёки хатолар оқибатидаги жиддий нотўғри кўрсатишлар ҳамда бизнинг фикр-мулоҳазаларимиз кўрсатилган аудиторлик ҳулосасида жиддий хатолар мавжуд эмаслигига оқилона ишончга эга бўлишдан иборат. Оқилона ишонч юқори даражадаги ишончни касб этади, бироқ Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилган аудит жиддий хатолар мавжуд бўлганда уларни ҳар доим аниқланишини кафолатламайди. Нотўғри кўрсатишлар ноҳалол ҳаракатлар ёки хатолар натижаси бўлиши мумкин ва улар алоҳида ёки биргаликда фойдаланувчиларнинг ушбу молиявий ҳисобот асосида қабул қилинадиган иқтисодий қарорларига таъсир кўрсатиши мумкин деб асосли равишда тахмин қилиш мумкин бўлса, жиддий ҳисобланади.

Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилаётган аудит доирасида биз бутун аудит давомида касбий мулоҳазани қўллаймиз ва касбий скептицизмни сақлаб қоламиз. Бундан ташқари, биз қуйидаги ишларни бажарамиз:

- молиявий ҳисоботнинг ноҳалол ҳаракатлар ёки хатолар оқибатидаги жиддий нотўғри кўрсатишлар таваккаллари аниқлаймиз ва уларга баҳо берамиз; ушбу таваккалларга жавобан аудиторлик тартиботларни ишлаб чиқамиз ва ўтказамиз; ўз фикримизни билдириш учун асос ҳисобланиши учун етарли ва тегишли ҳисобланувчи аудиторлик далил-исботларни оламиз. Ноҳалол ҳаракатлар натижасида жиддий нотўғри кўрсатишларни аниқламаслик таваккали хато натижасида жиддий нотўғри кўрсатишларни аниқламаслик таваккалига қараганда юқори, чунки ноҳалол ҳаракатлар тил бириктириш ю сохталаштириш, қасддан хато қилиш, ахборотни нотўғри ифодалаш ёки тизимни четлаб ўтишга қаратилган хатти-ҳаракатларни ўз ичига олиши мумкин;

- ҳолатларга жавоб берувчи аудиторлик тартиботларини ишлаб чиқиш мақсадида, бироқ Жамиятда ички назорат тизимининг самарадорлиги ҳақидаги фикрни ифодалаш мақсадини кўзламаган ҳолда аудит учун аҳамиятли бўлган ички назорат тизими борасида тушунчага эга бўламиз;

- қўлланилаётган ҳисоб юритиш сиёсатининг тегишли характерини ҳамда бухгалтерия ҳисоб-китобларининг асослилиги ва раҳбарият томонидан тайёрланган ахборотларнинг тегишли равишда ошкор этилишини баҳолаймиз;

- раҳбарият томонидан фаолият узлуксизлигига йўл қўйишни қўллаш қонунийлиги борасида хулоса чиқарамиз, олинган аудиторлик далиллар асосида эса - Жамиятнинг ўз фаолиятини узлуксиз равишда давом эттириш қобилиятида катта шубҳалар юзага келиши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шартлар сабабли жиддий номуайянлик мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги борасида хулоса чиқарамиз. Агарда биз жиддий номуайянлик мавжудлиги борасидаги хулосага келсак, биз аудиторлик хулосамизда молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган маълумотларни тегишли равишда ошкор қилинишига эътибор қаратишимиз ёки маълумотларнинг бу тариқа ошкор этилиши тегишли эмас деб ҳисобланмаса, ўз фикр-мулоҳазаларимизни модификация қилишимиз лозим. Бизнинг хулосаларимиз аудиторлик хулосамиз тузилган санадан олдин олинган аудиторлик далилларига асосланган. Бироқ, келажакдаги ҳодисалар ва шартлар Жамият ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятини йўқотишига олиб келиши мумкин;

- умуман олганда молиявий ҳисоботни тақдим этиш, унинг тузилмаси ва мазмунини, шу жумладан ахборотни ошкор қилиш, шунингдек молиявий ҳисобот унинг асосида ётувчи амалиётлар ва ҳодисаларнинг ҳаққоний ифодаланишини таъминлаш учун баҳолашни амалга оширамиз.

Биз корпоратив бошқарув учун жавобгар шахслар билан ўзаро ахборот алмашинувини амалга ошириб, бошқалардан фарқли ўлароқ режалаштирилган аудит ҳажми ва муддатлари, шунингдек аудит натижалари бўйича муҳим мулоҳазалар, шу жумладан биз аудит жараёнида аниқлайдиган ички назорат тизимининг жиддий камчиликлар тўғрисида ахборотларни уларнинг эътиборига етказди.

Шунингдек биз корпоратив бошқарув учун жавобгар бўлган шахсларга эркинлик борасидаги барча тегишли одоб-ахлоқ талабларига риоя қилганлигимиз ҳақидаги аризани тақдим этамиз ҳамда ушбу шахсларни барча ўзаро муносабатлар ва аудиторнинг эркинлигига асосланган равишда таъсир кўрсатувчи деб ҳисоблаш мумкин бўлган бошқа масалалар, зарурият бўлган ҳолларда эса - тегишли олдини олиш чоралари борасида хабардор қилганмиз.

Биз томондан корпоратив бошқарув учун жавобгар шахслар эътиборига етказган масалалардан жорий давр учун молиявий ҳисобот аудити учун энг муҳим бўлган ва тегишинча аудитнинг асосий масалалари бўлган масалаларни белгилаймиз. Биз аудиторлик хулосамизда ушбу масалаларни ёритиб берамиз, ушбу масалалар ҳақидаги маълумотларни жамоатчиликка ошкор қилиш қонун ёки меъёрий ҳужжат билан тақиқланган ҳолларда ёки камдан-кам учрайдиган ҳолларда бизлар бирорта масала

тўғрисидаги ахборот бизнинг хулосада маълум қилиниши мумкин эмас деган хулосага келамиз, чунки бундай ахборотни маълум қилишнинг салбий оқибатлари уни маълум қилишдан жамоат учун муҳим фойдадан ошади деб асосли равишда тахмин қилиш мумкин ҳоллар бундан мустасно.

Мустақил аудиторларнинг ушбу аудиторлик хулосаси натижалари бўйича топширик раҳбари

Шайхиисламова Зульфия

«SFAI-Vuchgalter-Audit Tashkent» МЧЖ Аудиторлик ташкилотининг директори

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар

Ц-4, 9 уй, 3 хонадон.

2020 йил 20 май

«SFAI-Vuchgalter-Audit Tashkent» МЧЖнинг думалоқ муҳри.